

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2025, № 4 (10)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2025

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Ильяс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Ишанхужаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймахаматович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобокулович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари номзоди, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Азизов Илдар Рафаэлевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Сиддиқов Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Баҳранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жамоат ҳафсизлиги университети
Алиазарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймухамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Навоий Давлат педагогика институтини
Нормуродов Дилмурод Рахматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет
Национального Университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib,
Faculty of history of the National
university of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Акрамова Фазилят Артикбаевна ПРОМЫШЛЕННЫЕ КАДРЫ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ В СОВЕТСКИЙ ПЕРИОД: СТАНОВЛЕНИЕ И ОСОБЕННОСТИ ПОДГОТОВКИ	7
2. Karimjonov Jasurbek Muxtorjonovich O‘ZBEKISTONDA TARIXIY SHAXSLAR NOMIDAGI MUKOFOTLAR TA‘SIS ETILISHI: TAQDIRLASH JARAYONLARI	16
3. Кобзева Ольга Петровна АКАДЕМИК Э. В. РТВЕЛАДЗЕ - ЖИЗНЬ, ОТДАННАЯ НАУКЕ	25
4. Ктайбеков Саламат Маманович ВОЗРОЖДЕНИЕ ВЕЛИКОГО ШЕЛКОВОГО ПУТИ И НОВЫЙ ЭТАП ВО ВЗАИМООТНОШЕНИЯХ УЗБЕКИСТАНА И ЯПОНИИ	34
5. Mamatqulov Bekzod Sherozovich O‘ZBEKISTON JANUBIY VILOYATLARIDA SANOAT TARMOQLARINING RIVOJLANISHI: TARIXIY TAJRIBA VA NATIJALAR (1925-1991 YILLAR)	45
6. Маматова Махфуза Бахриддиновна ТОРГОВЛЯ ИНДИЙСКИХ ЧАЕВ В СРЕДНЕЙ АЗИИ (ВТОРАЯ ПОЛОВИНА XIX - НАЧАЛА XX ВЕКА)	54
7. Mirzayev Komiljon Mamirjonovich O‘RTA OSIYO ARXELOGIYASI KAFEDRASINING PAYDO BO‘LISHI ZARURIYATLARI	61
8. Мусаев Нуриддин Умирзакович РОССИЯ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА ТУРКИСТОНДА ПАХТАЧИЛИККА ЭЪТИБОРНИНГ КУЧАЙТИРИЛИШИ	69
9. Муминов Алишер Гаффарович., Эрназаров Шермухаммед Эшбекович ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХЧИЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ	83
10. Muxamedov Yoqubjon Qodirovich G‘ARBIY TURK XOQONLIGI VA ERON SOSONIYLARI O‘RTASIDAGI DIPLOMATIK MUNOSABATLAR	91
11. Нарбеков Абдикамил Вафаевич НАСЕЛЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА В ПЕРИОД НАЦИОНАЛЬНО-ТЕРРИТОРИАЛЬНОГО РАЗМЕЖЕВАНИЯ В СРЕДНЕЙ АЗИИ	102
12. Назаров Хумоюн Алишерович., Одилова Нилюфар Зоиржон кизи РЕЛИГИОЗНЫЕ ВЕРОВАНИЯ В СЕВЕРНОЙ БАКТРИИ В ПЕРИОД ПРАВЛЕНИЯ КУШАН	116

13. Normurodov Dilmurod Rashidovich IX–XII-ASRLARDAGI TOSHKENT VOHASI (SHOSH-ILOQ)NING SHISHASOZLIGI	132
14. Olimjonov Xabibjon Abduxalim o‘g‘li TURKISTON ASSRDA KUTUBXONA ISHINI TASHKIL ETISH BORASIDAGI CHORA-TADBIRLAR	147
15. Ochildiyev Fayzulla Bobokulovich O‘RTA OSIYO TEMIR YO‘LINING BUXORO AMIRLIGIGA KIRIB KELISHI VA TEMIR YO‘L BEKATLARINING FAOLIYATI	155
16. Rahmonqulova Zumrad Boyhurozovna O‘RTA OSIYO XONLIKLARI VA USMONIYLAR DAVLATI O‘RTASIDAGI IQTISODIY ALOQALAR TARIXIDAN	168
17. Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич ВКЛАД ВЫПУСКНИКОВ КАФЕДРЫ АРХЕОЛОГИИ В ИЗУЧЕНИЕ ИСТОРИИ КУЛЬТУРЫ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ	178
18. Саипова Камола Давляталиевна УПРАВЛЕНИЕ В ТУРКЕСТАНСКОЙ АСС В ПЕРВЫЕ ГОДЫ СТАНОВЛЕНИЯ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ	184
19. Сиддиков Равшан Бердимуратович ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР	189
20. Tog‘ayev Jasur Erkinovich QADIMGI DAVR ME‘MORCHILIGI TARIXIY REKONSTRUKSIYASIGA DOIR (JANUBIY O‘ZBEKISTON MISOLIDA)	206
21. Тўхтабоева Дилафрўз Эргашевна ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ КЎРИНИШИ	214
22. Ubaydullayev Ikromjon Farxod o‘g‘li O‘ZBEKISTON HUDUDIDAGI ANTIK DAVLATLARNING TARIXIY UZVIYLIGI VA RIVOJLANISH JARAYONLARI	219
23. Usarov Umidjon Abdimavlyanovich XIX ASRNING 60–70-YILLARIDA ROSSIYA IMPERIYASINING TURKISTON O‘LKASIDAGI YER EGALIGI VA MULKCHILIK MUNOSABATLARIGA OID SIYOSATI (Rasmiy amaldorlari va ishchi kommissiya vakillarining faoliyati misolida)	232
24. Холикулова Шахноза Баймахаматовна ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЛК КИМЁ КОРХОНАСИ ТАРИХИ	242
25. Холикулов Ахмад Баймахаматович ВОҲАСИ БЕКЛИКЛАРИНИНГ БУХОРО АМИРЛИГИ СИЁСИЙ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ (XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСРНИНГ БОШЛАРИ)	252

26. Худойкуов Урал Каримович ЖАҲОН ОЗИҚ- ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ УСТУВОРЛИГИ ВА РИМ ДЕКЛАРАЦИЯСИ	260
27. Юнусова Хуршида Эркиновна ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ҲОЛАТИ ВА МУАММОЛАРИ (XX АСР 70-80 ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)	268

Мусаев Н. У.

«Ўзбекистон тарихи» кафедраси профессори., т.ф.д.

Ўзбекистон Миллий университет

Musayev56@gmail.com

РОССИЯ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА ТУРКИСТОНДА ПАХТАЧИЛИККА ЭЪТИБОРНИНГ КУЧАЙТИРИЛИШИ

АННОТАЦИЯ

АҚШдаги фуқаролар уруши ва Россия тўқимачилик саноатида хом ашё танқислигининг кучайиши, Англиянинг Осиёга кириб келишига қарши стратегик кураш, Фарғона водийсида пахта экишга эътиборнинг кучайиши, пахта яккаҳокимлигининг вужудга келиши. Рус капиталистларининг Туркистонда пахтага ихтисослашган йирик хўжаликлар тузишлари.

Калит сўзлар: Савдо буржуазияси, метрополия, АҚШ фуқаролар уруши, саноат манфаатлари, «пахта очарчилиги», Ливерпул пахта бозори, шимол буржуазияси, жануб плантаторлар, Америка пахтаси, Европа бозорлари, Бухоро ва Эрон пахтаси, «Упланд», Бродавский ва Самолевский тажрибаси, «Катта Ярославл мануфактураси», Игнатъев комиссияси, Қуйи Зарафшон, Марв воҳаси, Тажан дарёси, «Сирдарё», «Қароқчиқум», «Пахтачилик» ширкатлари, Тремле, Плесне, Кручков савдо уйлари, Туркистон пилласи.

КИРИШ

Сирдарёдан Хўжанд тумани ерларини суғориш учун Далварзин канали ва Бекобод қишлоғи яқинидан Николай I деб номланган канал қазилиши. Туркистонда хусусий суғориш корхоналари вужудга келди. «Сирдарё», «Қароқчиқум» ва «Пахтачилик» каби йирик суғориш ширкатлари. XIX асрнинг иккинчи ярмида Россияда тобора ривожланиб борган капиталистик ишлаб чиқариш жараёни унинг мустамлакаларига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Жумладан, бу жараён Туркистонда ҳам мавжуд феодал муносабатларига жиддий зарба бериши натижасида ижтимоий тизимда кўп укладли иқтисодий ўзгаришлар бошланди. Аввало, Россия тўқимачилик саноатининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, Туркистон қишлоқ хўжалигида пахта майдонлари кенгайтирилди, пахтанинг нархи тобора ошиб бориши натижасида пахтачилик етакчи тармоққа айланиб борди.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Туркистонда темир йўллар ишга туширилгач, Россия саноат буржуазияси ўлкани метрополиянинг тобора ривожланиб бораётган тўқимачилик саноати

хом ашё базасига ва тайёр маҳсулотларини сотиш бозорига айлантиришга киришди. Ўша вақтда ўлкадаги иқтисодий жараёнларни ўрганган буржуа иқтисодчиларидан бири П.П.Румянцев бу ҳақда қуйидаги фикрларни ёзган эди: «Осиё Россияси мустамлака сифатида ўзининг метрополияси- Европа Россиясига фақат хом-ашё етказиб беради, айти вақтда, унинг қайта ишлаш саноати учун бозор бўлиб хизмат қилади»[1].

Россия буржуазияси тўқимачилик саноатидаги хом ашё танқислигини Туркистон пахтаси ҳисобига тўлдиришга киришди. П.Г.Галузо таъкидлаб ўтганидек, Ўрта Осиё Россия ҳукуматини Англиянинг Осиёга кириб келишига қарши стратегик курашда нафақат муҳим позиция сифатида, балки янги бозорларни «эгаллаб» олиш ҳамда эксплуатация қилиш объекти сифатида ҳам қизиқтирар эди. «Ўлкани бевосита босиб олишга ундовчи иқтисодий қизиқишлар заминида,- деб ёзади у, - рус савдо буржуазиясининг манфаатдорлиги ётар эди. Ўлка рус савдо капиталининг янги муомала райони сифатида босиб олинди. Рус савдо капиталининг операциялари ўлкада Россия саноати маҳсулотларини сотиш ва рус саноати учун хом-ашё олишга қаратилган бўлиб, савдо капиталининг манфаатлари, айти пайтда, саноат капиталининг манфаатлари ҳам эди... Бу ерда савдо капиталининг манфаати ва кон саноати манфаатлари қаердан бошланиб, қаерда тугагини ажратиб кўрсатишнинг иложи йўқ»[2].

Маълумки, хонликлар даврида ҳам маҳаллий эҳтиёжлардан ортган Туркистон пахтаси чет мамлакатларга, биринчи навбатда Россияга сотилган. Айниқса, 1861-1865-йилларда АҚШнинг шимолидаги буржуазия вакиллари билан жанубидаги плантаторлар ўртасида бўлиб ўтган фуқаролар уруши натижасида бу ерда пахта экишнинг кескин камайиб кетиши оқибатида, Туркистондан Россияга пахта ташиб кетиш янада авж олди. Масалан, Россияга 1862-йилда 1802 минг рубллик, 1863-йилда 2903 минг рубллик ва 1864 йилда 6524 минг рубллик пахта ташиб кетилган. Пахтага бўлган талабнинг ошиб бориши ўз навбатида унинг баҳосини ҳам ошириб юборди. 1861-йили Нижегород ва Москва бозорларида пахтанинг ҳар пуди 4-5 рублдан сотилган бўлса, 1864-йилга келиб Ўрта Осиё (Бухоро) пахтасининг нархи 22, ҳатто 23 рублгача кўтарилди[3]. АҚШдан пахта толаси келтиришнинг камайиши туфайли вужудга келган «пахта очарчилиги» чор ҳукуматини ўз пахта базасини яратиш ҳақида бош қотиришга мажбур қилди. Айти пайтда, Европа давлатлари ҳам АҚШнинг пахтачилик соҳасидаги ҳукмронлигига барҳам бериш учун астойдил киришдилар. Жумладан, Англия Ҳиндистонда етиштирилган пахтани ташиш учун темир йўл қурилишига юз миллионлаб фунт стерлинг ажратди. Франция Жазоирда пахтачиликни

ривожлантиришга ҳомийлик қилди. Ҳатто, Туркия, Миср ва Тунис давлатлари ҳам пахтачиликка эътиборларини кучайтирдилар.

Туркистон ўлкасини эгаллаб олиш учун олиб борилган босқинчилик урушлари даврида ўлкада пахта экиш кескин камайди. Натижада, йилига, ўртача 116654000 рубллик товар ишлаб чиқарган Россия тўқимачилик саноати 1868-йили Европа бозорларидан пахта сотиб олишни кўпайтиришга мажбур бўлди. Агар Россия, АҚШдаги фуқаролар урушигача, Европа бозорларидан ҳар йили ўртача 3 млн. пудгача пахта сотиб олган бўлса, 1871-йили бу кўрсаткич 3225193 пудга ёки 48025715 рублга етди[4]. Бу пахтанинг асосий қисми воситачилар ёрдамида Ливерпул бозоридан сотиб олинган. Қолган қисми, яъни 639192 пуди (5972491 рубллик) Ўрта Осиёдан олиб келинган[5]. Бу Россияга келтирилган пахтанинг 21% ни ташкил этар эди. Албатта Россияга пахтани ҳали темир йўл қурилмаган шарқ мамлакатларидан кўра темир йўлга ва портларга яқин бўлган Европа бозорларидан сотиб олиш арзон тушган.

АҚШдаги фуқаролар урушидан кейин Туркистон пахтаси яна ўз ўрнига тушиб, бир пудига Москвада 4 рубл 50 копеекдан 7 рублгача, Астраханда Бухоро ва Эрон пахтасига 5 рубл, америка пахтасига 6 рубл 50 копеекдан 9 рублгача, Ливерпул бозорида эса 5 рубл 62 копеек тўланган. Тошкент бозорида бир пуд тозаланмаган пахта 80 копеекдан 1 рубл 40 копеекгача, тозаланган пахта эса 3 рублдан 6 рубл 50 копеекгача турган⁶. Бироқ, Россиянинг марказий районларига етиб боргунча Туркистон пахтасининг нархи ошиб кетар эди.

Туркистон пахтасининг Россия тўқимачилик саноати учун аҳамиятини яхши тушунган Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфман ўлкага америка пахтаси навларини келтиришга киришди. У 1868-йили Тошкент яқинидан махсус пахта майдони ажраттириб, олим-ҳосилот К.Н.Раевскийга америка пахтаси навларини экишга кўрсатма берди. Аммо, биринчи йили ғўзага ишлов беришдаги тажрибасизлик ва шу йили Тошкентга эрта тушган совук туфайли америка пахтаси пишмади. Шундан кейин М.И.Бродавский ва В.И.Самолевскийлар пахтачилик бўйича тажриба орттириш учун АҚШ га жўнатилди[6]. В.И.Самолевский Тошкентга қайтиб келгач, пахта тажриба хўжалигини бошқарди. Америка пахтасини иқлимлаштириш тажрибалари самарали натижа берди. Ундан маҳаллий ғўзага нисбатан сифатли ва узун тола олина бошланди.

Маҳаллий халқлар вакилларида америка пахта навини 1875-йили Тошкент яқинида, дастлаб Мулла Йўлчи Тўйчибоев экиди. Бу нав Бухоро хонлигида, шунингдек, 1878-йили Андижон, Наманган, Қўқон ва Марғилонда ҳам экилган[7]. Янги пахта толаси Россия тўқимачилик корхоналарида синаб

кўрилди ва яхши баҳо олди. Бироқ, бу нав кам ҳосилли бўлганлиги учун деҳқонларни қаноатлантирмади. Ниҳоят, XIX асрнинг 80-йилларида америка пахтасининг «Упланд» нави маҳаллий шароитга мос тушиб, сифатли тола ва кўп ҳосил берди. Ўлкада кўп ҳосил берадиган пахта навларининг экилиши пахтадан келадиган даромаднинг ошишига ва умумий пахта майдонларини кенгайтишига олиб келди. Агар, 1883-йили америка нави бир неча десятина майдоннигина эгаллаган бўлса, 1884-йили у 450 десятинага, 1885-йили 1100 десятинага, 1886-йили 10 баробардан зиёд, кўпайиб 12000 десятинага, 1887-йили эса 14500 десятинага етди[8].

Туркистонда тайёрланаётган пахтанинг миқдори кўпайишига қарамасдан, у Россия тўқимачилик саноатининг 1/5 қисми эҳтиёжларини ҳам қондира олмас эди. 1887-йили Россияда 500 дан ошиқ ип-йигирув ва тўқимачилик корхоналари ишлаб, улар йилига 231684000 рубллик маҳсулот ишлаб чиқарар, бунинг учун йилига қарийб 11 млн. пуд пахта талаб қилинар эди[9]. Ўша вақтда Россия мустамлакаларида бор-йўғи 3,5 млн. пуд пахта етиштирилган холос. Шу туфайли Россия ҳар йили чет мамлакатлардан қўшимча қарийб 8 млн. пуд пахта сотиб олишга мажбур бўлди. Бу даврда АҚШда ҳар йили ўртача 84 млн. пуд, Шарқий Ҳиндистонда 27 млн. пуд, Хитойда 16 млн. пуд, Мисрда 9 млн. пуд пахта етиштирилган. Булардан ташқари, яна 10 дан ошиқ мамлакатларда пахта экилиб, дунёда жами етиштирилган пахта 1526675000 пудни ташкил этган[10]. Шундай қилиб, жаҳонда етиштирилган пахтанинг 55 фоизидан ошиқроғини АҚШ, 17 фоизини Шарқий Ҳиндистон ва 10 фоиздан ошиғини Хитой етказиб берган.

XIX аср охирларида пахтага бўлган талабнинг ошиб боришидан фойдаланиб қолишга интилган йирик рус капиталистлари Туркистонда пахтага ихтисослашган йирик хўжаликлар туза бошладилар. Биргина Тошкент шаҳри атрофида тузилган бундай хўжаликларнинг пахтазорлари 4000 десятина бўлиб, бу жами пахта майдонининг 20% ни ташкил қилган. Бундай хўжаликлар орасида савдогар Беляковнинг 620 десятина, Катта Ярославль мануфактурасининг 400 десятина ва Тарсининг 200 десятина ерлари бўлган, Фарғона вилоятида рус хўжаликлари 500 десятина ерда пахта етиштиришган, шундан 100 десятинаси Наманганда, 280 десятинаси Андижонда, 20 десятинаси Қўқонда ва 80 десятинаси Марғилонда жойлашган[11]. Бироқ, катта-катта пахта майдонларини ўз қўлларида жамлаб олган капиталистик типдаги йирик пахтакор хўжаликлар ишни тўғри ташкил қила олмаганликлари оқибатида бу ерлардан самарали фойдалана олмадилар. Оқибатда, ишчиларини бўшатишга мажбур бўлиб, ерларини деҳқонларга чоракорлик шарти билан ижарага бердилар. Масалан, «Катта Ярославль

мануфактураси» ишчиларини бўшатиб, ерларининг 304 десятинасини чоракорларга ижарага беришга мажбур бўлган.

Айрим капиталистик фирмалар ўз хўжаликларида янги технология ва тажрибаларни қўллашиб пахта етиштиришни кўпайтиришга ҳаракат қилдилар. 1890-йили Самарқанд вилоятининг Хўжанд уездида Кудрин фирмасига, шунингдек бошқа кишиларга тегишли бўлган 300 десятина ерда Америка пахтаси навлари етиштирила бошлади. Америка пахтаси навлари экилган майдонлар йилдан-йилга кенгайиб, 1888-йилдан 1915-йилгача Фарғона вилоятида 34,7 минг десятинадан 336,5 минг десятинага, ёки 950%, Сирдарё вилоятида 25,8 минг десятинадан 74,0 минг десятинага, ёки 240%, Самарқанд вилоятида 8 минг десятинадан 55,6 минг десятинага, ёки қарийб 700% кўпайди[12]. Кўриниб турибдики, қарийб 20 йиллик тажриба натижасида янги пахта навларидан фойдаланиш йўллари деҳқонлар билиб олишган.

Рус савдо-саноат буржуазияси Бухоро ва Хива хонликларида ҳам пахта экишга эътиборини кучайтиришди. Бу хонликлар ерларида пахта толасининг сифати Фарғона ва Сирдарё вилоятлариникига нисбатан анча яхши бўлган. Фарғона вилоятида пахта, шойи етиштириш анча ривожланган бўлса-да, бироқ сифати жиҳатидан Бухоро ва Хива маҳсулотларидан кейинда турган.

Бухоро амирлиги учун Ўрта Осиё темир йўлининг қурилиши, Хива хонлиги учун эса Амударё-Орол денгизи сув йўлининг очилиши пахтани четга сотиш имкониятини кенгайтирди. Натижада Хива хонлигида 1890-йили пахта майдони 15000, 1900-йили 20000 десятинани ташкил этган. Бу ерларда 1890-йили 200000 пуд, 1900 йили эса 400000 пуд пахта олинган. Бухоро амирлигида 1880-йили 35000 десятина ерга пахта экилиб 800000 пуд, 1900-йили эса 1000000 пуд ҳосил олинган.

Пахтага бўлган доимий эҳтиёж рус савдо-саноат буржуазиясини ўлкада суғориш тизимларини ривожлантириш чораларини излашга мажбур қилди. Бу борада бир қатор таклифлар киритилди. Жумладан, ўша вақтда Россия империясида ер тузилиши ва деҳқончилик бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаган Кривошейн бир неча марта Туркистонда деҳқонлар банки фаолиятини кенгайтириш, ўлкада қишлоқ хўжалиги мактабини вужудга келтириш, суғориш ишларини яхшилиш масаласини кўтарди. Бироқ, бу масалалар мустамлакачи ҳукумат манфаатларига қаратилган бўлиб, маҳаллий аҳолининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳисобга олинмаган.

1868-йили Самарқанд шаҳри эгаллангандан кейин Зарафшон водийсининг юқори оқимлари ҳамда уларга янги маъмурий-ҳудудий бирликлар сифатида Тоғли туманлар ҳам қўшиб олинди. Зарафшон дарёсининг юқори ҳавзаси эгаллаб олинishi, шунингдек, Ўрта ва Қуйи Зарафшон воҳаларининг қон

томирлари бўлган Окдарё ва Қорадарёнинг юқори оқимлари мустамлакачи ҳукумат қўлига ўтиши оқибатида вазият янада оғирлашди.

Зарафшон дарёсининг юқори оқимининг Россия ихтиёрига ўтишига Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти катта аҳамият бериб, бу нафакат Бухорони ўз таъсир доирасида ушлаб туришнинг зарур воситаси, балки кейинчалик унинг устидан ўрнатилган вассалликни мустаҳкамлаш ва уни тобеликда тутиб туришнинг бирдан-бир гарови деб ҳисоблашган. Шунинг учун ҳам улар Самарқанд воҳасини Россияга қўшиб олинишида асосий сув манбаи – Зарафшон дарёсидан “ҳарбий стратегияда фойдаланиш” ни мақсад қилиб қўйишган эди[13].

Россия империясининг янгидан эгалланган ҳудудларда ўз тартибларини жорий этиши оқибатида Зарафшон дарёси сувларини тақсимлаш бўйича асрлар давомида шаклланган тартиб-қоидаларни бузилиши, бунинг устига босқинчилик ҳаракатлари даврида бузилган тўғонларнинг қайта тикланмаганлиги оқибатида Ўрта ва Қуйи Зарафшон воҳаси аҳолисининг дарёси сувидан етарли даражада фойдалана олмаётганликларидан норозилик ҳаракатлари оммавий тус ола бошлади. Бухорода, айниқса амирликка тегишли Зиёвуддин ва Хатирчи туманларида кўплаб норозилик ҳаракатлари мустамлакачи ҳукуматни баъзи чора-тадбирлар кўришга мажбур қилди. 1872 йилнинг қишида бу масалани атрофлича кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун таркибида руслар ва бухороликлар бўлган махсус комиссия тузилди. Узоқ текширувлардан кейин комиссия қуйидаги хулосаларга келган: “...дарёда сув кўп бўлганда у Бухорогача бемалол етиб боради. Агар сув ўрта ҳолатда бўлса, уни Бухорогача етказиш чоралари кўрилган. Дарё суви паст бўлса, кўрилган чора-тадбирларнинг фойдаси бўлмаган. Хатирчи ва Зиёвуддин туманлари аҳолисининг манфаатлари учун Окдарёнинг бошланишида тўғон қуриш лозим (тўғон сувни баландроқ кўтариб, уни Қорадарё орқали оқишини таъминлайди). Нарпай каналининг этагида яна битта тўғон қуриш керак. Бу тўғонлар Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги ерларни йилига икки марта суғориш имкониятини бериши учун Зарафшондан рус уездларига сув олувчи барча каналларнинг дарвозаларини ярмигача беркитишга қарор қилинди”[14]. Уларни қисман беркитиш амирлик бекликлари аҳолиси учун ҳар ҳолда фойдали эди. Бу сувни баҳоли-қудрат кўпайтириш имконини беришидан умидвор бўлган Зиёвуддин ва Хатирчи бекликлари ўз одамларини Зарафшон дарёси юқори қисмидаги тўғонларнинг бузилган қисмларини таъмирлаш учун юборишган.

Маълумки, Окдарё ва Қорадарё оралиғида жойлашган макон Миёнқол деб аталиб, у қадимдан Самарқанд Суғди, Ним Суғд (Ярим Суғд) каби номлар билан ҳам машҳур бўлган. Миёнқол Самарқанд шаҳридан қуйида, Чўпонота

тепалиги яқинида Зарафшон дарёсининг иккига-Оқдарё ва Қорадарёга ажралишидан бошланиб, Хатирчи яқинида бирлашишигача бўлган ҳудудни ўз ичига олган. Бу ҳудуд деҳқончилик учун қулай бўлиб, Оқдарёдан Пайариқ, Иштихон, Пайшанба ва Хатирчи каби йирик аҳоли пунктларидан ташқари кўплаб қишлоқлар сув ичган. Қорадарёдан тўғонсиз сув олган Нарпай канали Каттақўрғон бўлимини, шунингдек, Зиёвуддин беклигига тегишли ерлар ва Бухоро амирлигининг катта ҳудудларини суғорган.

Рус-бухоро муносабатларида иқтисодий масалалар: Зарафшон дарёсининг сувини тақсимлаш, савдо, божхона ва пул ислоҳоти, Бухоро қишлоқ хўжалигини рус саноатига хомашё етказиб беришга ихтисослаштириш, амирлик ҳудудида пахта тозалаш, ёғ ишлаб чиқарувчи ва бошқа заводларини, шунингдек темир йўл куриш масалалари ҳам марказий ўринларни эгаллаган эди.

Зарафшон дарёсининг сувини тақсимлаш нафақат иқтисодий, балки сиёсий масала эди. Самарқанддаги рус маъмурияти доимий равишда Бухоро ҳукуматини ўз таъсир доирасида ушлаб туриш учун амирлик ҳудудларига сув ўтказишни суиистеъмол қилиш ҳолатлари учраб турган. Қарамлик даврида Қуйи Зарафшон воҳасида экинларни суғориш оғир аҳволда бўлган. Туркистонда хусусий суғориш корхоналари вужудга келди. Улар орасида «Сирдарё», «Қароқчиқум» ва «Пахтачилик» каби йирик ширкатлар “(Бухоро) аҳолиси баъзан ойлаб, ҳатто ундан ҳам кўпроқ сувсиз қоларди, – деб ёзган 1896 йилда Бухоро воҳасида бўлган инженер Н.Ф.Ситняковский, – уларнинг экинзорлари вақтида сув қуйилмаганлигидан қуриб қолган”[15].

“Самарқанд вилоятининг ҳарбий губернатори мархум граф Ростовцев даврида,– деб ёзади В. И. Игнатъев 1899 йил 24 майда Туркистон генерал-губернаторига ёзган мактубида,– Зарафшон дарёси сувини тақсимлаш ҳайъати йилнинг турли ойларида Бухоро амирлигига бериладиган сув миқдори тўғрисида қарор чиқарди. Лекин мазкур қарорга риоя қилинмади. Шунингдек, ҳозирги вақтда ҳам унга амал қилинмаяпти”[16]. Таъкидлаш жоизки, Туркистон генерал-губернаторлиги Зарафшон дарёси суви тақсимотини ўзаро келишилган ҳолда ҳал этишга қанчалик ҳаракат қилмасин, Россиянинг Бухородаги сиёсий агентлиги ўз ҳукуматининг иқтисодий ва сиёсий манфаатларини кўзлаб дарё сувидан ўз билганича фойдаланишга ҳаракат қилди.

1886-йилги Низом асосида 1888-йил 2-августда қабул қилинган кўрсатмага биноан сувдан фойдаланишни бошқариш ҳукуқи маҳаллий жамоалардан олиниб чоризм маъмуриятига берилди, суғориш тармоқлари кенгайтирила бошланди. И.И.Гейер маълумотига кўра, сунъий суғориш тармоқлари яхши ривожланган Фарғона водийсида Қорадарёдан 50 дан зиёд,

Норин дарёсидан 14 та канал чиқарилди. Руслар иштирокида эса Сирдарёдан Хўжанд тумани ерларини суғориш учун Далварзин канали қазилди. Бекобод қишлоғи яқинидан Николай I номланган канал қазилиши бошланди. У Мирзачўлда 8 минг десятина ерни суғоришга мўлжалланган эди. Булардан ташқари, Чирчиқ, Оҳангарон ва Арис дарёлари орқали суғориш тармоқлари янада кенгайтириш кўзда тутилди.

Туркистоннинг энг йирик сув тармоғи Амударёдан руслар эгаллаган ерларда 65 та канал қазилиб, улар 65 минг десятина ерни суғоришга мўлжалланган эди. Зарафшон дарёсидан қазилган каналлар орқали қарийб 400 минг десятина ер суғорилган. Шундан 268 минг десятинаси Бухоро амирлиги ихтиёрида бўлган[17]. Юқорида қайд қилинган суғориш тармоқлари Туркистоннинг асосий вилоятлари-Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона худудларига тарқалган. Каспий олди вилоятини асосан Мурғоб, Тажан ва Атрек дарёлари сув билан таъминлаган. Ҳиндикуш тоғларидан бошланган Мурғоб дарёси, Отамиш ва Тўхтамиш каналлари орқали Марв воҳасини, Тажан дарёси Серахс ва Тажан воҳаларини, Атрек дарёси Красноводск уездининг жанубий қисмларини суғорган. Бироқ, бу суғориш тармоқлари, деҳқонларнинг сувга бўлган эҳтиёжларини тўла қондиришга кодир эмас эди.

Россия империяси ҳукумати ўлка иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида суғориш тармоқлари биринчи даражали аҳамиятга эга эканлигини инобатга олсада, уни такомиллаштиришга шошилмади. Масалан, 1899-йили Давлат кенгаши Мирзачўлда қарийб 65 километрлик канал қазилш учун 2025 минг сўм ажратган. Бироқ 1908-йилгача каналнинг бор-йўғи 11 км.дан зиёдроғи қазилган, холос[18]. Игнатъев комиссияси бундай лоқайдликка барҳам бериш мақсадида қуйидаги таклифни киритган: «...Ўлкада суғориш тармоқларини кенгайтириш учун ҳукуматнинг етарли маблағ ажратишга умид боғлаш бефойда. Бундай ҳолда суғориладиган давлат ерларини янги ариқлар қазилш шарти билан ҳамда суғориш иншоотларининг аҳамиятига қараб 3 йилдан 10 йилгача муддат билан давлат солиқларидан озод қилиш ҳисобига хусусий шахслар ва жамоаларга ижарага бериш зарур»[19]. Ҳукуматнинг суғориш тармоқларига эътиборсизлиги меҳнаткашларнинг жиддий норозиликка сабаб бўлсада, чор маъмурлари уларга эътибор бермаган.

Суғориш тизимини яхшилашга бўлган талабнинг ошиб бориши туфайли капиталистик муносабатлар суғориш тармоқларига ҳам кириб кела бошлади. Ўлканинг суғориш тизими муаммоларидан усталик билан фойдаланган ишбилармонлар сув чиқариши қийин бўлган дарё ва сойлар бўйларига ўрнатиб олишган насосларидан баландликларга сув чиқариб деҳқонларга сотишган. Агар деҳқонлар мавсумда ерларини уч марта суғоришса, ҳар

ботмон ер учун ўртача 60 сўм тўлашган. Шу йўл билан ишбилармонлар суғориб берган ҳар ботмон ер учун 40 сўм фойда олишган.

XX аср бошларида Туркистонда хусусий суғориш корхоналари вужудга келди. Улар орасида «Сирдарё», «Қароқчиқум» ва «Пахтачилик» каби йирик ширкатлар бўлиб, Қўқон биржа қўмитасининг маълумотларига кўра, уларнинг эътибори «хазинага, жамоаларга ва хусусий шахсларга тегишли пахта майдонларини суғориш ва эксплуатация қилиш»га қаратилган эди. Шу мақсадда «Сирдарё» ширкати 355 десятина ерни сотиб олган, қўшимча яна «Қорашаҳар» жамоасидан 234 десятина ерни ижарага олган, «Пахтачилик» жамияти турли қишлоқлардаги хусусий ер эгаларидан қарийб 1,7 минг десятина ерни ижарага олган[20]. Бундай хусусий ва ижарага олинган ерлар яна чоракорларга ижарага берилган. Бу жамиятнинг фаолияти капиталининг суғориш тармоқларига ҳам кириб келганлигини кўрсатади.

Ўлкада пахтага товар сифатида эътибор берилиши оқибатида суғориладиган ерлардан бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари, биринчи навбатда донли экинлар сиқиб чиқарила бошланди. Буни Фарғона вилояти мисолида яққол кўриш мумкин[21].

Қ/х экинлари	1885 й. % ҳисобида	1905 й. % ҳисобида	1915 й. % ҳисобида
пахта	14	17	44
дон	26	47	27
жўхори	22	16	11
шоли	16	8	7
беда	15	8	8
бошқалар	7	4	3

Фарғона вилоятида пахта экиладиган майдонлар 30 йил ичида 3 баробардан зиёд кўпайди, териб олинган пахта 1200 минг пуддан 9277 минг пудга етди. Бу Туркистон бўйича териб олинган пахтанинг 60% ни ташкил этди. Бозорда пахтага талабнинг юқорилиги Фарғона вилоятининг аҳоли зич яшайдиган туманларини пахтачиликка ихтисослаштирди. Масалан, Андижон, Марғилон, Қўқон ва Наманган уездларида барча суғориладиган ерларнинг 26,9 %дан 39% гача пахта майдонлари ташкил этди[22]. А.П.Демидовнинг маълумотларига кўра, 1914-йили бу кўрсаткич янада ўсиб, Фарғона вилоятининг тўртта пахтачилик уездидаги 96 волостдан 54 таси ерларнинг 50 %дан зиёди пахта экилган. Шулардан 8 таси барча ерларига (қарийб 100 %), 10 таси $\frac{4}{5}$ қисмига, 16 таси $\frac{3}{4}$ қисмига, қолган 20 та волост эса

ерларининг 50 % га пахта экишган. Каспий олди вилоятида ҳам пахтага эътибор кучайган. Масалан Марв уездига барча экинларнинг 25,8 %ни, Ашгабад уездида 14,3 %ни пахта ташкил қилган[23].

Туркистоннинг Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида ҳам пахта майдонлари тобора кўпайди. Масалан, 1888-йилдан 1913-йилгача ўтган 25 йил ичида Самарқанд вилоятида пахта майдони 7980 десятинадан 31858 десятинага (ёки 298 %), Сирдарё вилоятида 25841 десятинадан 62691 десятинага (ёки 139 %) кўпайди[24]. Пахтачилик қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларига нисбатан кўп меҳнат ва ортиқча ҳаражат талаб қилса-да, бошқа экинларга нисбатан кўпроқ фойда келтирган.

Биринчи жаҳон уруши йилларидаги қийинчиликлар бошқа соҳалар катори пахта етиштиришни ҳам камайтирди. Масалан, Туркистонда пахта майдонлари 1916-йилги 680,8 минг десятинадан 1917-йили 426 минг десятинага, ҳосилдорлик 1913-йилги ҳар десятинага 95 пуддан 1917-йили 55 пудга тушиб қолди. 1917-йили 1915- йилга нисбатан ялпи ҳосилдорлик бор йўғи 43 %ни ташкил этди[25]. Бу Россия тўқимачилик саноатига жиддий таъсир кўрсатди. Натижада, Октябрь инқилоби арафасида кўпгина фабрикалар ёпилиб ишчилар ишсиз қолдилар. Бу ҳақда «Правда» газетаси «энди пахта захиралари тугамокда, яқин келажакда фабрикалар номаълум муддатга тўхтади... Агарда уларда (Невский ширкати фабрикаларида – Н.М.) иш тўхтаса 8000 ишчи ишсиз қолади»[26] деб ёзган эди.

Россия тўқимачилик саноатида пахтага талабнинг ошиб бориши Туркистон бозорларида пахтанинг нархини ҳам кўтариб юборди. Пахтакор деҳқонларнинг бозор муносабатларига чуқурроқ жалб қилиниши натижасида уларнинг ижтимоий табақаланишини тезлаштирди. Россия монополистик капитализми асосий эътиборини пахтачиликни ривожлантиришга қаратиши натижасида ўлкада аста-секин пахта яккаҳокимлиги вужудга кела бошлади. Бу ўлка меҳнаткашлари турмуш тарзининг ўзгаришига ва яшаш шароитини мураккаблашишига олиб келди.

Пахтачиликка ихтисослашган вилоятларда дон маҳсулотларини Россиядан ёки бошқа вилоятлардан келтириш мўлжалланган эди. Бироқ, пахтага ихтисослашган вилоятларга ғалла етарли миқдорда келтирилмаганлиги оқибатида озиқ-овқат танқислиги кучайди. К.В. Космачевский маълумотларига кўра, 1913-йил Фарғона вилоятида 31543,3 минг пуд, Каспий олди вилоятида 5405,1 минг пуд ғалла етишмаган[27]. Бу ғалланинг нархи ошиб боришига ва ғалла билан олиб-сотарлик қилишнинг кучайишига олиб келди.

Биринчи жаҳон уруши йилларида ғалла етиштириш ёки уни Россиядан келтириш янада камайди. Агар 1914-йили Каспий олди вилоятида 32880

десятина ерга кузги буғдой экилган бўлса, 1917-йили бу кўрсаткич 26240 десятинага тушиб қолди, арпа ҳам шунга мос равишда-15954 ва 10341 десятинали ташкил қилди[28]. Пахта билан ғалла етиштиришда вужудга келтирилган сунъий номутаносиблик туфайли, уруш йилларида ғалланинг баҳоси кескин ошиб кетди.

Ўлкада пахтага нисбатан шоли ҳам сердаромад соҳага айланиб қолди. Шунинг учун айрим деҳқонлар кўпроқ сув сероб бўлган ерларда шоли экишга ҳаракат қилишган. Масалан, 1901-йили Фарғона вилояти 54,8 минг сўм, Самарқанд вилояти –43,5 минг (барча экин майдонларининг 12%), Сирдарё вилоятида -84,2 минг десятина шоли экилган. Шахназаров ҳисобига кўра, бир десятина ерга экилган шолдан 42 рубл 80 копеекча даромад олинган[29]. Бироқ, шоли кўп сув талаб қилувчи экин бўлгани учун Туркистонда уни экиш имконияти чекланган эди.

Бозор иқтисодиёти туфайли узумчилик, боғдорчилик, ипакчилик ва бошқа соҳалар билан шуғулланувчи хўжаликлар ҳам товар-пул муносабатларига тортилдилар. Айниқса, Самарқанд вилоятида узумчилик билан шуғулланувчи хўжаликлар тобора кўпайиб борди. Вилоятда 1906-йили узумзорлар 6167 десятинали, Сирдарё вилоятида эса қарийб 3000 десятина ташкил этган[30]. Узумчилик билан шуғулланувчи хўжаликларнинг характерли хусусияти шундаки эдики, бу соҳа билан кўпроқ йирик ер эгалари эмас, балки кам ерли хўжаликлар шуғулланишган. Бунинг сабаби, камбағал деҳқонларнинг ҳам товар-пул муносабатларига тортилиши, уларнинг иқтисодий ночорлиги оқибатида бозорбоп маҳсулотлар етиштиришга ҳаракат қилишган.

Ўлканинг айрим туманларида мева етиштириш анча ривожланган. XX аср бошларида мева етиштиришнинг характерли жиҳатларидан бири шундан иборат бўлдики, бу соҳа билан маҳаллий деҳқонлардан ташқари, Россия савдо фирмалари ҳам шуғулланишган. Жумладан, В.Алексеев, Тремле, Плесне, Кручков ва бошқа савдо уйларининг Туркистонда йирик мевачилик хўжаликлари бўлиб, улар ўз хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни саноатлашган усулда қайта ишлашган. Кручков савдо уйининг Москвада мева билан савдо қиладиган тармоқлари бўлган. В.Алексеев фирмасининг боғлари 400 десятинали ташкил этиб, ҳар десятинадан ўртача 1500 рубль соф фойда олинган. 1912-йили Термле боғининг ҳар десятинаси 2100 рубл даромад келтирган. Бу ўлка боғдорчилиги Россия монополистик капитализми таъсирига тушганлигини, бу соҳада ҳам товар-пул муносабатлари кучайганлигини кўрсатади. Ўрта Осиё темир йўли маълумотларига кўра, 1890-йили ўлкадан 39 минг пуд қуруқ мева ташиб кетилган бўлса, 1914-йили у 474397 пудга етган[31]. Ўтган 24 йил ичида ўлкадан қуруқ мева ташиб кетиш 17 баробардан зиёдроқ ошган.

Туркистоннинг иқтисодий ҳаётида ипакчилик алоҳида ўрин тутган. Фарғона вилояти ипак тайёрлашда етакчи ўринни эгаллаган. Шунингдек, Самарқанд, Сирдарё ва қисман Каспий олди вилоятлари аҳолиси ҳам ипакчилик билан шуғулланишган. Тайёрланган ипакнинг бир қисми маҳаллий бозорларда, қолган қисми ташқи бозорларда сотилган. Ташқи бозорларда ипакка талаб йилдан-йилга ошиб борган. Ўша давр маълумотларига кўра, Туркистон пилласи Россиянинг Германия, Австрия-Венгрия, Италия ва Франция билан савдо экспортида етакчи ўрин тутган. Айниқса, французлар Туркистон пилласини катта миқдорда сотиб олишиб, Марселга ва Франциянинг бошқа жанубий вилоятларига жўнатишган[32].

Ўлка қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири чорвачилик бўлиб, бу соҳада тайёрланган маҳсулотларнинг катта қисми бозорларга чиқарилган. Қисқа вақт ичида тери, жун, ичак, ёғ ва бошқалар билан савдо қилувчи савдогарлар пайдо бўлган. Ўлканинг чорвачилик билан шуғулланган туманларига товар-пул муносабатларининг кириб келиши бу соҳанинг ҳам тез ривожланишига сабаб бўлди. Масалан, Фарғона вилоятида 1885-йилдан 1907-йилгача ўтган 22 йил мобайнида чорва моллари сони икки баробар кўпайган[33].

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари қатори чорвачилик ҳам империалистик уруш йилларида инқирозга учради. Ўлканинг деярли барча вилоятларида чорва моллари сони кескин камайди. Масалан, Зарафшон округининг Чимбой волостида 1872-йилдаги 13782 бош қорамол ва қўй-эчкидан 1917-йили 10178 бош қолди, ёки 26,2% га қисқарди. Ҳар 100 оилага ўша вақт мобайнида чорва моллари 2460,7 дан 1072,5 тага тушиб қолди[34]. Империалистик уруш йилларида юз берган иқтисодий инқирозлар бошқа соҳаларда бўлгани каби, ўлка қишлоқ хўжалигини ҳам издан чиқариб юборди.

Урушгача бўлган даврда қишлоқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар товарлик даражасининг ошиб бориши деҳқонларнинг асосий қисмини бозорга боғлаб қўйган эди. Бундан ташқари, урбанизация натижасида шаҳарларнинг кенгайиши шаҳар аҳолисининг катта қисмини деҳқончилик қилиш имкониятини чеклаб қўйди. Уларнинг кўпчилиги ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланишга мажбур бўлдилар. Шаҳар атрофида яшовчи аҳоли бозорга полиз-сабзавотчилик маҳсулотларини етказиб бера бошлади.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, чоризмнинг Туркистонда олиб борган мустамлакачилик сиёсати ўлка аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жиддий таъсир

кўрсатди. Ўлканинг рус савдо-саноат буржуазияси хом-ашё базасига айлантирилиши натижасида куйидаги жараёнлар содир бўлди:

1. Жаҳон бозорида пахта нархининг ошиб бориши туфайли Туркистонда пахта етиштириш ва уни четга ташиб кетиш кучайди;

2. Пахтачиликнинг нисбатан сердаромад соҳага айланиши, унинг ўлка қишлоқхўжалигидан бошқа экинларни (айниқса Фарғона водийсида) сиқиб чиқаришига сабаб бўлди. Оқибатда, пахта яккаҳокимлиги учун замин яратилиб, ўлка аҳолисининг дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига эҳтиёжини кучайтирди;

3. Етиштирилаётган пахтанинг миқдори ва сифатига эътибор кучайиб, маҳаллий навлар ўрнига америка пахтаси навлари кўплаб экила бошлади;

4. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига капиталистик бозор муносабатларининг кириб келиши қишлоқаҳолиси ўртасида ижтимоий табақаланишни тезлаштирди. Ерлар бир гуруҳ мулкдорлар қўлида тўпланиб, ўз ерларидан ажралган деҳқонларнинг катта қисми ёлланма ишчиларга айландилар;

5. Қишлоқ хўжалигига товар-пул муносабатларининг кириб келиши туфайли, маҳсулот етиштирувчиларнинг катта қисми бозор муносабатларига тортилдилар.

Мусаев Н. У.

д.и.н., профессор кафедры «История Узбекистана»

Национальный университет Узбекистана

Musayev56@gmail.com

ВОЗРОСШЕЕ ВНИМАНИЕ К ХЛОПКОВОДСТВУ В ТУРКЕСТАНЕ ВО ВРЕМЕНА РОССИЙСКОГО ВЛАДЫЧЕСТВА

АННОТАЦИЯ

Усиление позиций США и России в Персидском заливе, усиление влияния Англии в Персидском заливе, усиление позиций США в Персидском заливе, усиление позиций США в Персидском заливе, усиление позиций США в Персидском заливе. Русские капиталисты создали в Туркестане крупные хозяйства, специализирующиеся на хлопке.

Ключевые слова: торговая буржуазия, мегаполис, гражданская война в США, Промышленные интересы, «хлопковый голод», ливерпульский хлопковый рынок, Северная буржуазия, юг плантаторы, американский хлопок, европейские рынки, Бухарский и иранский хлопок, Upland, опыт Бродовского и Самолевского, «большая Ярославская Мануфактура», Игнатьев комиссии, ниж. Зарафшан, Оазис Мерв, река Таджан, товарищества

«Сырдарья», «Каракчикум», «хлопчатник», торговые дома тремле, Плесне, кручков, Туркестанский кокон.

Мусаев Н. У.

Professor of the Department of history of Uzbekistan

National University of Uzbekistan

Musayev56@gmail.com

INCREASED ATTENTION TO COTTON FARMING IN TURKESTAN DURING RUSSIAN RULE

ABSTRACT

The strengthening of the positions of the United States and Russia in the Persian Gulf, the strengthening of Britain's influence in the Persian Gulf, the strengthening of the US position in the Persian Gulf, the strengthening of the US position in the Persian Gulf, the strengthening of the US position in the Persian Gulf. Russian capitalists established large farms in Turkestan that specialized in cotton.

Keywords: trade bourgeoisie, metropolis, U.S. Civil War, industrial interests, "cotton famine", Liverpool cotton market, northern bourgeoisie, Southern planters, American cotton, European markets, Bukhara and Iranian cotton, "Upland", Brodavsky and Samolevsky experiment, "large Yaroslavl Manufactory", Ignatev commission, lower Zarafshan, Marv Oasis, Tajan River, "Sirdarya", "cockroach", "cotton companies", Tremle, Plesne, kruchkov trading houses, Turkestan saw.